

Тошкент шаҳрининг бош режасини яратиб ишлари давом этмоқда



2 бет

Худудларни комплекс ривожлантириш аҳоли турмуш шароитини яхшиламоқда



3 бет

Ёзёвонда замонавий тиббий марказ



3 бет

О'зДЖТУ talabalarining maqolalari



6 бет



# О'ЗБЕКИСТОН БУНУОДКОРИ

ЎТІМОІУ-ЎТІСОДІУ ГАЗЕТА

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 43 (596)

2022 йил 17 июнь, жума

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг шанба ва жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

## 2022/2023 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ёшларни олий таълим билан янада кенгроқ қамраб олиш, олий таълим ташкилотлари ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги "Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида" ги ПҚ-279-сон қарорига мувофиқ:

1. 2022/2023 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари:

а) бакалаврлар тайёрлаш бўйича: кундузги таълим шаклига – 77 477 нафар этиб 1-иловага мувофиқ; сиртқи таълим шаклига – 26 095 нафар этиб 1а-иловага мувофиқ; кечки таълим шаклига – 3 725 нафар этиб 1б-иловага мувофиқ; масофавий таълим шаклига – 3 410 нафар этиб 1в-иловага мувофиқ; б) магистрлар тайёрлаш бўйича – 10 688 нафар этиб 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларининг кузатув кенгашларига ҳамда қабул параметрларини Васийлик кенгаши қарори билан тасдиқлаш ваколати берилган олий таълим ташкилотларига тегишли қабул параметрларини 2022 йил 20 июнга қадар тасдиқлаш тавсия этилсин.

3. Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси беш кун муддатда 2022/2023 ўқув йили учун:

соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ветеринария, тиббий-ижтимоий хизматлар соҳаларида олий маълумотли кадрларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида манфаатдор вазирилик ва идораларнинг буюртмаларига мувофиқ мақсадли қабул параметрларининг туман (шаҳар)лар кесимидаги тақсимотини;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, тизимида олий таълим муассасаси бўлган вазирилик ва идораларнинг тақлифлари асосида давлат буюртмаси параметрларининг таълим тиллари бўйича тақсимотини тасдиқласин ва эълон қилсин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик бй оий муддатда:

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилик, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик билан биргаликда 2022/2023 ўқув йилида янги киритилаётган бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

давлат олий таълим муассасаларида янги киритилаётган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари, ўқув режалари ҳамда фан дастурларининг ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда тасдиқлинишини таъминласин.

5. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,

2022 йил 15 июнь

Ш. МИРЗИЁЕВ

## ЕРУСТИ ҲАЛҚА МЕТРОСИ ТИРБАНДЛИККА ЧЕК ҚЎЯДИ

Ислом ИБДУЛЛА,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Хабарингиз бор, 2020 йилда Тошкент ерусти ҳалқа метросининг "Дўстлик-2" бекатидан "Кўйлик" бекатигача бўлган биринчи босқичи қурилган эди. Бугунги кунда мазкур йирик реконструкцияда Кўйликдан Сергели йўналишининг 5-бекатига элтувчи иккинчи босқич қурилиши давом этмоқда. Ҳозирда икки юздан зиёд таянч устунлар ўрнатилиб, эстакадалар тикланмоқда.

Йўллар ҳар бир давлатнинг ривожланганлик даражасини кўрсатиб беради. Мамлакатимизда бу борада кўп-

лаб йирик лойиҳалар жамият ҳаётига реализация этилди. Буларнинг орасида, шубҳасиз, Тошкент ерусти ҳалқа метросининг қурилиши нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда ҳам эътироф этилмоқда. Албатта, пандемиядан кейинги иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, халқимизнинг мушкулани осон, узоғини яқин қилишга қаратилган қурилиш ишлари тўхтагани йўқ.

Тошкент ерусти ҳалқа метросининг қурилиши нега муҳим? Библияда, урбанизациянинг ривожланиши, шаҳар инфратузилмасининг кенгайиши билан йўлларда ҳаракат қатнашчиларининг сони кескин ошди. Бу, айниқса, Тошкент шаҳрида яққол намоён бўлмоқда.

2 бет

## ТАНИШИНГ: "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МАССИВЛАРИ



## "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МАССИВЛАРИ КЎҲНА ВОҲАГА ЯНГИЧА ҚИЁФА БАХШ ЭТИШИ ШУБҲАСИЗ

Райҳона ХЎЖАЕВА,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Юртимизнинг барча ҳудудларида Президентимиз ташаббуси билан бошланган улкан бунёдкорлик – "Янги Ўзбекистон массивлари" қурилиши жараёни авжидда. Бу эса йил якунига қадар яна минглаб аҳоли ўз уйига эга бўлади, юзлаб оилаларда хурсандчилик ҳукм суради деганидир.

"Янги Ўзбекистон" массивлари қурилиши Қашқадарё вилоятида ҳам бошлаб юборилди. Хусусан, бу хайри иш давтавал Қарши шаҳрида бошланди. Массив қурилиши учун Чаман маҳалласи ҳудудидан қарийб 64,6 гектар ер майдони ажратилди. Бунда массив учун жойнинг вилоят марказига яқин ҳудуддан танлангани катта аҳамиятга эга. Аҳолининг инфратузилма ва ижтимоий хизматлардан осон ва сармалари фойдаланиши кўзда тутилган.

"Янги Ўзбекистон" массиви қурилишининг бошланишига бағишланган тантанали маросимда лойиҳа тақдими ҳам ўтказилди. Тадбирда вилоят ҳокими ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Лойиҳага кўра, Қарши тумани "Чаман" МФЙ ҳудудида қад ростлаши режалаштирилаётган "Янги Ўзбекистон" массиви лойиҳаси учун 64,6 гектар майдон ажратилган бўлиб, бундан 26,6 гектар майдон аҳоли турар жой лойиҳаси учун, 23,6 гектар майдон "Янги Ўзбекистон боғи" лойиҳаси учун, 14,4 гектар майдон интенсив боғ лойиҳаси учун ажратилган.

Аҳоли турар жой лойиҳаси учун ажратилган 26,6 гектар майдонда 524 та хонадонга мўлжалланган 8 та 9 қаватли, 524 та хонадонга мўлжалланган 6 та 16 қаватли, 408 та хонадонга мўлжалланган 24 та 12 қаватли 1728 та хонадонли кўп қаватли турар жой биноси лойиҳаланган. Шубҳа ҳудудда аҳоли учун яратилган қўлайликлардан келиб чиқиб, 2 та 990 ўринли ва 1650 ўринли умумтаълим мактаби, шу

билан бирга, 180 ўринли ва 420 ўринли мактабгача таълим муассасаси, 1 та маҳалла ва тадбиркорлик биноси қурилиши кўзда тутилган. "Янги Ўзбекистон боғи" учун ажратилган 23,6 гектар майдон таркибиде амфитеатр, болалар ва спорт майдончалари ҳам лойиҳаланган.

– "Янги Ўзбекистон" массиви қурилиши учун танланган ер майдони ҳозирда Қарши тумани "Чаман" МФЙ ҳудудида жойлашган, аммо "Ўшаҳарсозлик-ЛИТИ" ДУК томонидан амалда ишлаб чиқилаётган Бош режа Қарши шаҳар Бош режасига киритилиши бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди, – дейди Қашқадарё вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи в.в.б. Расул Шаймардонов. – Айни пайтда қурилиш учун тайёрларлик ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, қурилиш майдони атрофини ўраш, штаб қуриш ишлари ташкил этилмоқда.

"Янги Ўзбекистон" массивлари қад ростлагач, кўҳна Қарши замини янада кўркам қиёфа ва замонавий кўриниш касб этиши шубҳасиз.



Лойиҳа суратлари.

# ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ БОШ РЕЖАСИНИ ЯРАТИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Райхона ХУЖАЕВА,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

АОКАда қурилиш вазири ўринбосарлари, халқаро экспертлар ва мутасаддилар иштирокида "Шаҳарлар бош режаларини ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бугунги ҳолат ва истиқболдаги режалар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Маълумки, охириги 4-5 йилда турар жойлар ва ижтимоий-маиший объектлар қурилишини ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини янгилаш, шаҳар, шаҳарчалар, қишлоқ жойларида замонавий архитектура қиёфасини шакллантирувчи шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиш бўйича олиб борилаётган ишлар янги мазмун моҳият билан бойиб бормоқда.



**Шукрулло ЖАҲОНГИРОВ,**  
Қурилиш вазирининг ўринбосари:

– Мамлакатимизда 120 та шаҳар ва 1 080 та шаҳарчалар мавжуд бўлиб, 120 та шаҳардан 118 таси, 98 фоизининг бош режалари ишлаб чиқилган. Шаҳарчаларнинг 205 тасида ҳам бу ишлар олиб борилган. Бундан ташқари, қишлоқ жойлардаги аҳоли пунктларининг 30 фоизи меъморий режалаштириш лойиҳалари билан таъминлаган. 2020 йилгача қишлоқ жойларида чиқилган фуқаролар йиғинлари мавжуд эди. Эндиликда уларнинг маҳалла фуқаролар йиғинларига бўлинганидан кўпчилиكنинг хабари бор. Ўша давргача уларнинг меъморий режалаштириш лойиҳалари 45 фоизни ташкил қилган эди. Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинлари худудларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича уч йиллик дастури асосида 214 та маҳалланинг бош режалари ҳам охирига етказилди. Бу кўрсаткич жорий йилда яна ортади. 108 та маҳалла фуқаролар йиғинлари бош режалари шу йилнинг охирига қадар якунига етказилади. Бу жараёнларда албатта, жамоатчилик фикри ўрганилади ва инобатга олинади.

Анжуманда айтилишича, бу борадаги ишларда нафақат маҳаллий мутахассислар, балки, хорижий экспертлар, урбанист ва архитекторларнинг иш тажрибасидан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Бевоқиф хорижлик мутахассислар таклиф қилиниб, ҳамкорликда лойиҳалар ва режалаштириш ишлари олиб бориляпти. Масалан, Туркия билан ҳамкорликда лаборатория ташкил этилиб, унда замонавий дастурлар бўйича шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. Қолаверса, геоахборот тизими асосида кадрларнинг малака ва кўникмаларини ошириш ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, Янги Тошкент, Янги Наманган ва Янги Олмалик шаҳарларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари аниқ кўнларда такомилга етказилляпти.

Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирилик ва Корёя корпорацияси томонидан Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида "SMART CITY", яъни, ақлли шаҳар ташкил этиш бўйича мастер-план ишлаб чиқилган. Қолаверса, Қозоғистоннинг ALMATYGENPLAN ҳамда Туркистон вилоятининг Шаҳарсозлик ва архитектура бошқармалари билан тажриба алмашиш йўлга қўйилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, шаҳарсозлик ҳужжатларининг ишлаб чиқишида ҳар қандай монополистик ҳолатга йўл қўйилмайди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги "Лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мўҳим асосдир. Хусусан, ушбу ҳужжатга мувофиқ, ташкил этилган 26 та минтақавий етакчи лойиҳа қидирув ташкилотлари, 20 мингдан кам бўлган аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга экани белгилаб қўйилган. Бу борадаги ишлар Қурилиш вазирилик томонидан қатъий назоратга олинган.



**Жалол АРАШЕВ,**  
Қурилиш вазирининг ўринбосари:

– Пойтахтимизни мегаполисга айлантириш учун замонавий архитектура ва илғор ечимларни амалда қўллаганда, бу ишларни ҳеч ким ташқаридан келиб бизга қилиб бермайди. Бугунги кунда "ТошкентбошпланЛИТИ" давлат унитар корхонасида Тошкент шаҳрининг бош режасини тайёрлаш бўйича амалий ишлар давом этмоқда. Бу жараён нафақат маҳаллий ёш мутахассислар, балки, хорижлик ҳамкорлар учун ҳам улкан муҳокама майдони десак хато бўлмайди. Пойтахт қурилишида нималарга эътибор қаратиш керак? Бу борада энг аввало, инфратузилма, транспорт, логистика, яшил худудлар, бино ва иншоотлар жойлашувида шаҳарсозлик нормалари, бунда ривожланган давлатлар тажрибаси каби турли хил қарашлар илмий асосда амалиётга интеграция қилиниши лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги "2022 – 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига қўра, Қурилиш вазирилик томонидан ишлаб чиқиладиган шаҳар, шаҳарчалар ва қишлоқ (овуллар) МФИ аҳоли пунктларининг бош режалари ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш харажатлари учун 200 млрд сўм маблағ ажратилди. Бу маблағни 28 та шаҳар ва шаҳарчалар, 108 та қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, 31 та "Янги Ўзбекистон" массивларининг қурилиш лойиҳаларини амалга оширишга йўналтириш мақсад қилинган.



**Шикханзар АТАЖАНОВ,**  
Қурилиш вазирилик бошқарма бошлиғи:


– Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришининг 2021 – 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ҳамда "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонлари ижроси юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда республика аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари, ижтимоий-маиший, йўл ва транспорт объектлари, шунингдек, муҳандислик инфратузилмаси билан таъминлангани хатловдан ўтказилди. Унга қўра, 2023 – 2027 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳаси тайёрланди ҳамда аввал ишлаб чиқилган 17 та шаҳарнинг бош режасига тузатиш киритиш, 292 та шаҳарчаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш, 649 та қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва режалаштириш лойиҳаларини тайёрлаш дастурга киритилди. Бундан ташқари, келгусида шаҳарларни 100 фоиз, шаҳарчаларни 48 фоиз, қишлоқ аҳоли пунктларини эса 40 фоиз шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш кўзда тутилган. Қолаверса, 2018 – 2022 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 1 944 та маҳаллаларнинг бош режа-схемалари ишлаб чиқилди ва бу чора-тадбирлар бугун ҳам тизимли равишда давом эттирилмоқда.

Ҳозирги кунда яратилаётган Тошкент шаҳрининг истиқболдаги бош режаси 2041 йилгача мўлжалланган бўлиб, бу борада Голландия ва Туркиядан келган мутахассислар билан биргаликда иш олиб борилмоқда. Бунда шаҳарда яшил худудларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Тошкент шаҳрининг бош режаси жорий йил якунига қадар яратилиши кўзда тутилмоқда.

Матбуот анжуманида иштирок этган хорижлик мутахассислар ҳам Тошкент шаҳрининг истиқболдаги бош режасининг яратилиш жараёни ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

## **Bart MUSKENS,** голландиялик мутахассис:

Биз аниқ пайтда Ўзбекистон Республикасининг бош тархи ҳужжатини ҳамкорликда яратмоқдамиз. Бу ҳужжат Ўзбекистон тарихида биринчи марта яратилмоқда. Бунга яратилган мақсад нима? Бу ҳам бош режага ўхшаган ҳужжат бўлиб, бутун республикага татбиқ этилади. Бу ҳужжатда транспорт, инфраструктура, газ, сув кабиларни ривожлантириш масаласи мавжуд бўлади. Аслида бу оддий иш эмас, жуда кўп мутахассислар жалб қилган. Олти ойдан буён таҳлил қилиниб, энг мақбул ечимлар инобатга олинляпти. Яъни, шаҳарсозлик тизими қандай ишлаяпти, унда нима муаммолар бор, яна нималар қилиниши лозимлиги кўриб чиқилляпти. Бу масала бўйича бир гуруҳ мутахассислар Голландияга тажриба ўрганиш учун юборилган.



## **Саған KALELI,** туркиялик мутахассис:

"Тошкентбошплан-ЛИТИ"даги "Науот лаборатория" номини олган лабораторияда Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан бирга иш олиб бораёмиз. Яратилаётган лойиҳаларда нафақат шаҳар ичи, балки шаҳар атрофи ҳам инобатга олинмоқда. Қолаверса, биз нафақат шаҳарни янгилашга, балки унинг эски ҳолатини, эски шакли ва тарихини сақлаб қолишга ҳам ҳаракат қилаямиз. Шаҳарлардаги мавжуд санаят худудларини шаҳарга янги бир худуд сифатида кириб келиши бўйича ҳам ишлар олиб бориляпти. Яна бир йирик лойиҳамиз бу – Хива шаҳрини янгилаш масаласидир. Бунда ҳам шаҳарни тарихий ҳолатини сақлаб қолган ҳолда янада кўпроқ туристларни жалб қилиш устида иш олиб бораёмиз.



# Тизим ташкилотлари ходимлари учун ўқув-семинар ташкил этилди

Қурилиш вазириликда "Давлат тилида иш юритиш асослари: расмий хат ёзиш тартиб-қоидалари ва "Ижро" электрон тизимида ишлаш" мавзусида вазирилик ва тизим ташкилотларининг ходимлари учун ўқув-семинар ташкил қилинди.

Семинарда вазирилик фаолиятида давлат тилининг устуворлигига эришиш, шунингдек, давлат тили тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди. Жумладан, "Давлат тили ҳақида" ва "Реклама тўғрисида"ги Қонунларнинг мазмун-моҳияти, ўзбек

тилининг давлат тили нуфузи ҳамда мавқени тубдан ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳақида тушунарлар берилди. Тадбирда идоралараро расмий ёзишларни тартибга солиш масалалари ҳақида ҳам сўз юритилиб, семинар иштирок

чиларига расмий хатларни тайёрлаш учун белгиланган талаблар бўйича кўрсатма берилди. Семинарнинг иккинчи қисмида Қурилиш вазирилик тизимида янги қабул қилинган ходимларга "Ижро" электрон тизимида ишлаш самарадорлигини ошириш юзасидан маъруза қилинди.

Тадбир якунида ходимлар орасида "Меҳнатни муҳофаза қилиш" мавзусига оид викторина ўтказилиб, тест синови намунага қўра энг юқори балл тулган ходимлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.

# ЕРУСТИ ҲАЛҚА МЕТРОСИ тирбандликка чек қўяди

1-бет

Эндиликда Қўйлик-Сирғали янги ерусти ҳалқа метро йўналишининг қарийб 12 километрлик қисмида 7 та бекат бир кунда 40 мингга яқин йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Улар орасидаги қатнов вақти 13 дақиқани ташкил этади. Бунинг эвазига шахсий транспортларга эҳтиёж камайиб, тирбандлик бартараф этилади. Мазкур йўналишда ҳаракатланадиган кунлик автомобиллар сони 32 минггача қисқариб, транспорт оқими 12 фоизга камайиши кутилмоқда.

дан пойтахтга кириб келувчи 9 та катта йўлда тезкор автобус қатновлари ташкил этилади.

Тошкент давлат транспорт университети томонидан чет эллик экспертлар билан биргаликда, метрополитендан фойдаланиш даражасини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Хусусан, қўшимча жамоат транспорти йўналишлари очиниш ва уларни йўловчи кам метро бекатларига боғлаш, поездлар вагонини 5 та қилиш ва қатнов оралгини қисқартириш каби чоралар кўзда тутилган. Ушбу лойиҳалар натижасида метро ҳаракатининг тан-



Метронинг ушбу босқич қуриб битказилган Тошкент метрополитенининг жами узунлиги 70 километрдан ошиб, бекатлар сони 50 тага етади. Метрода юрвчи кунлик йўловчилар сони 600 минггача кўтарилиб, 245 та янги иш ўрни яратилади. Ҳозирда Тошкент шаҳрида жамоат транспорти ривожлантириш ва метрополитенда йўловчиларни кўпайтириш лойиҳалари тақдимотлари ўтказилмоқда. Унга қўра, жамоат транспорти билан яхши қамраб олинмаган маҳаллаларга 12 та янги автобус йўналиши очилиб, метро бекатлари билан боғланади. Шунингдек, Тошкент вилояти-

нарни, аҳолининг жамоат транспортига харажати ва кутиш вақти сезиларли қисқаради. Шаҳарга кириб келувчи енгил автомобиллар сони 97 минггача, магистрал кўчаларда тирбандлик 10 фоизгача камайиши мумкин.

Шунингдек, ҳозирги кунда маҳаллалар аҳолисининг метрога келиб-кетишига шароит ҳозирлаш, бекатлар ёнида авто ва велотураргоҳлар ташкил этиши, жамоат транспорти учун яна электротруслар олиб келиш ва уларга олинмаган маҳаллаларга 12 та янги автобус йўналиши очилиб, метро бекатлари билан боғланади. Шунингдек, Тошкент вилояти-

# Асоссиз ташвишларга ўрин йўқ

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,  
"O'zbekiston bunyodkori"  
мухбири.

Маълумки, табиий офатлар, айниқса, зилзила инсон ҳаёти учун ўта хавфли ҳодиса бўлиб, у ҳеч қачон ахшилик олиб келмаган. Бунга 1966 йилдаги Тошкент шаҳрида қўрилган зарар ва чекилган озорлар мисолида ханузгача дахшатли бало сифатида яхши эслаймиз. Фан-техника ривожланган даврда яшаётган бўлсакда, дунё олимлари зилзила қайси пайтда содир бўлиши мумкинлиги юзасидан жуда кўп тадқиқотлар ўтказиляпти, бироқ изланишларнинг ҳеч бирида бу борада аниқ тўхтамга келингани йўқ.

Шу сабабли табиатдан келадиган бу сингари воқеаларга жамиятдаги барча қурилмаларнинг бардошлилигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу борада энг аввало, кўп қаватли иморатлар қуриш жараёнида сейсмик хавфсизликни таъминлашга бунёдкорларнинг диққат эътибори қаратилган. Бу жиҳатдан республикамиз қурувчиларида ҳам кейинги йилларда катта тажриба тўпланди.

Шуни айтиш керакки, соҳа мутахассисларининг эътирофига, республикамиз худудининг 78 фоизи асосан сейсмик фаол худудларда жойлашган бўлиб, ушбу жойларда бир неча ўн йиллар аввал қурилган ва аниқ вақтда ўз мuddатини ўтаб бўлган бинолар ичи ҳамда атрофида юриш инсон ҳаёти учун хавфли вазиятни юзага келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз халқимизга қулай шароитлар яратиш мақсадида қуриладиган иншоотлар лойиҳасини минтақаларга мос равишда бўлиши чораларини кўряпти. Бу жиҳатдан давлатимиз раҳ-

барининг жорий йил 30 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мақсадга эришишда дастуриламал бўлди. Ушбу фармонга асосан, 2022 йилнинг 1 октябидан эътиборан республикамиз худудларидagi кўп квартиралли уй-жойларни йиллар кесимида зилзилабардошлик ҳолати бўйича хатловдан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Хатлов жараёни натижасидан келиб чиқиб, эксплуатация мuddатини ўтаб бўлган сейсмик заиф ҳамда авария аломатлари аниқланган турар жойлар ўрнида босқичма-босқич, замон талабига жавоб бера оладиган уй-жойлар қурилади.

Ана шу масала юзасидан баъзи туман ва шаҳарлардаги мутахассислар аҳоли ўртасида фармоннинг мазмун-моҳиятини мукамал тушунириб бераётгани туфайли, тахриратимизга турли вилоятлардан фуқаролар кўнгироқ қилиб, "Бизни шу пайтгача яшаб келган уйимиздан чиқариб юборишадими?" деган маънида мурожаатлар қилишмоқда.

Фуқароларни асоссиз ташвишлантираётган турли фикрлар юзасидан Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти директори Карим Султоновга мурожаат қилдик. Мутахассиснинг эътирофига қўра, бундай хавотирларга ҳолат йўқ, амалга оширилиши зарур бўлган барча ишлар тегишли қонунчиликлар асосида қилинади. Бунинг учун меъёрий ҳужжатлар мавжуд, агар у турар жой биноси бўлса, хондон ағаларининг барчаси қонунга биноан уй-жой билан таъминланиб, ўзи яшаётган жойга тенг равишда жойлар берилади. Шунингдек, фуқаролар яшаётган уйлар сейсмик заиф деб топилган бўлса, зудлик билан хавфсизлик чоралари қўрилади.

Навоий вилояти

# 3 кунлик сайёр қабулда минглаб кишиларнинг муаммоси ҳал бўлди

Хилола ИСМАТОВА,  
"O'zbekiston bunyodkori"  
мухбири.

Яқинда Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси раҳбарлигида вазирликлар, секторлар, ҳудудий ташкилот ва идоралар раҳбарлари иштирокида оммавий сайёр қабул бўлиб ўтди.



Сайёр қабул аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот тизimini янада тақомиллаштириш, фуқаролар муаммолари билан ишлашни самарали ташкил этиш, ҳудудларда ечимини кутаётган масалаларни "маҳаллабай" ўрганган ҳолда жойида ва тезкор ҳал этиш мақсадида ташкил этилди. Унда Навоий ва Ҳозгон шаҳарлари ҳамда Кармана, Навбаҳор, Қизилтепа, Кони-мех, Нурота туманлари аҳолиси вакилларини қийнаб келаётган муаммолар 30 га яқин вазирлик, идоралар раҳбарлари ва ваколатли масъуллари томонидан тингланди.

Қабул жараёнида қурилиш соҳаси билан боғлиқ муаммолар, тадбиркорларни қийнаётган масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Аҳолидан келиб тушган асарати мурожаатлар қурилиш тугалланган яққа тартибдаги турар жой биносини фойдаланишга қабул қилиш, ўз ҳудудидан чиқмаган ҳолда нотура тоифага ўтказиш, кўчама дўкон ўрнатиш, ипотека кредити асосида уй-жой қурилиши, уй-жойни таъмирлаш, яққа тартибдаги турар жой биносининг лойиха-смета ҳужжатларини келишиш ҳамда қурилишда эколог-

грия хулосасини олиш каби масалаларда бўлди. Бу каби амалий ёрдам сўраб қилинган кўплаб мурожаатлар қурилиш вазири ўринбосари Уктам Тўраев, вилоят ҳокимлиги ва қурилиш бош бошқармаси мутасаддилари томонидан ўрганилиб, ҳуқуқий ҳамда амалий ёрдам берилди.

Қабул давомида Қизилтепа туманининг Малиқобод маҳалласида бунёд этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивидаги қурилиш ишлари ҳам кўздан кечирилиб, қурувчиларга жараёни тезлаштириш ва ишларни сифатли амалга ошириш бўйича таклифлар берилди.

Бундан ташқари, сайёр қабулда вилоят адлия, соғлиқни сақлаш, бандлик, ижтимоий ҳимоя масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, 20 дан зиёд хотин-қизлар Навбаҳор туманидаги "Қоражон-текстиль" ҳамда Кармана туманидаги "Жалоийр" тикувчилик корхоналарига ишга жойлаштирилди. Навбаҳор тумани "Янги ҳаёт" маҳалласида

яшовчи Б. Пўлатов "Ўзсувтаъминот" масъулларидан ичимлик суви етказиб беришда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Фуқаро мурожаати жойига бориб ўрганилган, ушбу маҳаллага 7 километрдан зиёд сув қурувларини тортиш ишлари бошлаб юборилди. "Худудгаътаъминот" корхонасига мурожаатдан сўнг, Кони-мех тумани олис чўл ҳудудларида яшовчи чўпон оилаларига сув оларилган газ баллонлари етказиб берилди.

Шу каби мурожаатлар қаторида эҳтиёманд инсонларга ногиронлик аравачалари ва протез-ортопедия маҳсулотлари тарқатилди. Даволаниш учун моддий кўмакка муҳтож кишилар ва олий таълимда контракт пуллари тўлашда қийналаётган талабаларга, субсидия сўраб мурожаат қилган аҳолига ҳам амалий ёрдам кўрсатилди.

Ҳамкорликда ўтказилган 3 кунлик фаолият минглаб инсонларнинг муаммоларини ечиши имкониятини берди.

Андижон вилояти

# Худудларни комплекс ривожлантириш аҳоли турмуш шароитини яхшиламоқда

Зиё СИРОЖ,  
"O'zbekiston bunyodkori"  
мухбири.

Бугун катта ўзгаришлар, кенг имкониятлар, кескин бурлишлар даврида яшаймиз. Буни аниқрақ, қурилиш, бунёдкорлик соҳасида яққол ҳис қилиш мумкин. Амалга оширилаётган хайрли ишлар туфайли ҳар бир маҳаллада ободонлаштириш ҳаракатлари авж паллада. Барпо этилаётган янги объектлар эса янги иш ўрни яратилишига сабаб бўляпти. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, унинг фаровон турмуши учун мустаҳкам пойдевор яратиш, бир сўз билан айтганда, комплекс ривожлантирилишга хизмат қилмоқда.



Қўрғонтепа тумани ҳам том маънодаги бунёдкорлик майдонига айланган. Қай бир ҳудудга разм солманг, қурилиш жараёнига дуч келасиз. Чанг ва лойдан иборат қаровсиз кўчалар кенг, замонавий, бетон қоплама билан таъмирланган йўлдан иборат маҳаллага, эски бинолар янги иншоотларга айланмоқда. Буни туманга қадам қўйган заҳотингиз ҳис этасиз.

Қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегара ҳудудда жойлашган туман остонаси "Янги ҳаёт" маҳалласидан бошланади. Номига номутонос равишда собиқ Иттифоқ давридан қолган хотираларни ёдга солувчи манзаралар ўрнини эндиликда замонавий қарашлар эгалламоқда. Мавжуд кўп қаватли уйлар шунчаки таъмирланиб қолмай, уларда аҳоли яшаш учун муҳим бўлган шароитлар қайта тикланыпти. Жумладан, тоза ичимлик ва оқова сув тизимлари янгилаётипти, электр энергияси ҳамда табиғий газ таъминотида хизмат қилувчи қурувлар соҳ ҳолатга келтирилипти. Аҳолининг дам олиши ва маийш хизмат қўрсатиш соҳаларида қўлай шaroитлар яратилмоқда. Эни 12 метр, узунлиги 1 км дан иборат ички йўл таъмирланиб, пиёдалар учун йўлакчалар барпо этилди. Гулзорлар ташкил этишда эса сўғориш тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳалламизнинг номи "Янги ҳаёт" бўлгани билан эскича турмуш тарзи мавжуд эди, – дейди шу маҳаллада яшовчи Акбаржон Эрзаев. – Худуд кўп қаватли уйлардан иборат бўлгани боис, кўпчилик бирлашиб ўзимиз учун керакли шарoит яратишга ҳаракат қилиб келдик. Бироқ, бу мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилишда ёрдам бермади. 2021

йилда вилоят ҳокими Шухрат Абдураҳмонов маҳалламизда бўлиб, биз билан юзма-юз учрашди. Шу кундан бошлаб ободонлаштириш ва қайта қуриш ишлари бошлаб юборилди. Орадан ўтган давр мобайнида катта ўзгаришлар содир бўлди. Яратилаётган шарoитдан миннатдор бўлган ҳолда уни асрашни ҳам ўрганишимиз керак.

1 млрд 430 млн сўм маблағ эвазига амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари Янги ҳаёт маҳалласи аҳолиси ҳаёт тарзига янги нафас олиб кириши, шубҳасиз.

Тумандаги "Khanter Oil" замонавий ёғ-экстракция заводида амалга оширилаётган 22 млн долларлик лойиҳа янги иш ўринлари яратилишигагина эмас, балки ички бозорнинг хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминланишига ҳам сабаб бўлади. Бу ерда лойиҳа фойдаланишга топширилган, чигит, қўнғабозор ва соя ёғи ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Италия, Болгария, Туркия ва Россиянинг энг сўнгги русумдаги технологиялари билан жиҳозланадиган корхонада бир йилда 72 минг тонна ёғ ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда. Бу эса 500 минг нафар қўрғонтепаликларни доимий иш жойи билан таъминлаш имконини беради. Завод фаолиятининг йўлга қўйилиши республикамизга ёғ импорти миқдорини пасайтириб, қорва маҳсулоти кўламини оширишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Қўрғонтепа туманида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни даромадга йўналтириш, қўшимча маблағ ишлаб топилари учун имкон яратиш борасида ҳам ибратли ишларга қўл урилмоқда. 3 300 нафар аҳоли истиқомат қиладиган

"Учқун" маҳалласида тажриба асосида барпо этилган 2 километр узунликдаги кўча сўртотлари ана шу мақсадга йўналтирилмоқда. – Маҳалламизда ҳар бир хонадонда узум парвариланади, – деди шу маҳаллада яшовчи Солияхон Худойназарова. – Ўзимиздан ортганини бозорга олиб чиқамиз. Рўзғордаги кам-кўстимизга ярайди. Бу йил туман ҳокимлиги ташаббуси билан кўчамизнинг икки четига сўртотлар ўрнатилди. Ҳисоблаб кўрсак, бунинг натижасида 4 млн сўмдан 6 млн сўмгача кўшимча даромад топиш имкони яратилибди. Қолаверса, томорқадан ҳам яхшигина даромад олас бўлади. Буларнинг барчаси мен каби уй бекалари учун уйдан чиқмаган ҳолда даромад топиш, шу орқали оиламизнинг молиявий иқтисодиётини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Биз Қўрғонтепа туманида бўлиб, бунёдкорлик ишлари билан танишар эканмиз, манзилда санoат корхоналари, маийш хизмат қўрсатиш объектлари, савдо мажмуалари қурилиши билан бир қаторда йўлсозлик, электр энергияси, ичимлик суви таъминотида ҳам катта ўзгаришлар бўлаётганини кўрдик. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш, таълим соҳасини ривожлантириш, маданий ва маърифий ишларни жонлантириш борасидаги амалиётлар эса ибратлидир.

Бир сўз билан айтганда, туманда ҳудудларни комплекс ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар юрт ободлиги ва аҳоли турмуш шароитини яхшилашга сабаб бўлади. Шу боис, кенг кўламли ўзгаришлар энг аввало, қўрғонтепаликларнинг бугунги кундан миннатдорлигини, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Фаргона вилояти

# Ёзёвонда замонавий тиббий марказ

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,  
"O'zbekiston bunyodkori"  
мухбири.

Марказий Фаргона ерларида жойлашган Ёзёвонда инвестиция дастури асосида 7,5 млрд сўм маблағ эвазига туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлар маркази биноси 8 ой давомида қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Туманлараро хизмат қўрсатишга мўлжалланган мазкур марказ 50 ўринли бўлиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида юқори технология аппаратуралар билан ишлаш учун 10 нафар мутахассис шифокор бепул малака ошириш курсларида ўқитилди. Ҳозирда марказда 30 нафар олий тоифали шифокор, 210 нафар ўрта тиббиёт ҳамда 96 нафар кичик тиббиёт ходимлари фаолият қўрсатмоқда.

Марказга келтирилган беморларга замонавий аппаратуралар ёрдамида юқори технология операциялар ўтказилиб, юрак-қон томirlарига стент қўйиш амалиёти йўлга қўйилади. Шунингдек, компьютер томограф ва замонавий рентген аппарати ёрдамида беморларга шошилинч равишда ташхис қўйилиб, ўз вақтида юқори малакали тиббий ёрдам қўрсатиш амалга ошириш кўзда тутилган. Марказ Кува, Ташлоқ, Қўштепа туманлари аҳолисига ҳам хизмат қўрсатади.



# "Элегант" ўқув маркази шинам офисда

Ёзёвонда "Элегант" ўқув марказининг ўз ўрни бор. Саккиз йиллик фаолияти давомида ушбу марказда 4 840 нафар уй ҳамшираси, 3 200 дан ортиқ паозанда қизлар касб-ҳунар ўрганиб, ҳаётга йўлланма олдилар.

Ўтган йиллар давомида марказ жойдан-жойга кўчиб, ижарада ишлаб келарди. Марказ раҳбари Гулноза Мадумарова ўз биноси бўлиши учун астойдил ҳаракат қилди. Туман ҳокимлиги ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вилоят бошқармаси мутасаддилари тад-

биркор аёлни қўллаб-қувватлади ва натижада бир йилда шинамгина бино қуриб битказилди. – Янги бинода фаолиятимизни кенгайтириб рус, инглиз, араб тиллари, ментал арифметика, тикувчилик курсларини ҳам йўлга қўямиз, – деди тадбиркор.

# "Истеъмолчилар уйи" бунёд этилди

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси туман бўлими Ёзёвондаги фаол жамоат ташкилотларидан саналади. Туманда "Истеъмолчилар уйи"нинг очилиши бунга мисолдир.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ва унинг жойлардаги бошқарма ҳамда бўлимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги "2021 – 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони ва тасдиқланган йўл харитасида белги-ланган вазифалардан келиб чиқиб, жамоатчилик ташкилоти сифатида турли лойиҳа ва ташаббусларни илгари суриб келмоқда. Ана шундай лойиҳалардан

бири бу "Давлат+Фуқаролик жамияти институтлари+Тадбиркорлик субъектлари" тамойилига асосланган ҳолда ишлаб чиқилаётган "Истеъмолчилар уйи" лойиҳасидир. Лойиҳага асосан Ёзёвонда давлат шерикчилиги асосида муҳташам "Истеъмолчилар уйи" бунёд этилди. Таъкидлаш жоизки, тадбиркор Гулноза Мадумарова томонидан 850 миллион сўм сарфланиб, давлат шерикчилиги асосида қурилган мазкур бинода истеъмолчилар кутубхонаси ҳам жойлашган.

# Ҳамкорликдан умид катта

Бугунги кунда 60 мингга яқин ишчи-хизматчи билан фаолият олиб бораётган Туркиянинг "Ostım" санаот зонаси 17 та йўналишдаги 6200 та компания билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Шу боис, ушбу санаот зонаси мамлакатдаги энг йирик компания сарасига кирди. Яқинда ушбу санаот зонасидаги "Ostım санаот ўлкаси" директорлар Кенгаши раисининг ўринбосари Ибраҳим Ордан бошчилигидаги делегация Қувасой шаҳрида бўлди.

Меҳмонларга шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий, инвестицион жозибадорлиги, шунингдек, юртимизда чет эллик ишбилармонларга яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида маълумотлар берилди. Делегация шаҳарнинг йирик ишлаб чиқариш корхоналари – "Кварц"АЖ, "Art Soft

ceramic" МЧЖ ҳамда "Бунёдкор" ёшлар санаот зонасига ташриф буюрдилар. Келгусида "Ostım" раҳбарияти билан яқин муносабат ўрнатилиб, зонага аъзо ва Ўзбекистонда, хусусан, Қувасойда ишлашга мойил компанияларни тартиб қилиш ишлари олиб борилади. Шу мақсадда Қувасойга қўшимча равишда Кува, Фаргона туманларидан истиқболли инвестиция лойиҳалари жалб қилиниб, "Ostım" раҳбарияти билан келишган ҳолда жорий йил июль ойида турк санаот зонасидаги Ўзбекистонда ишлашга мойил тадбиркорлар учун лойиҳалар онлайн тақдими ўтказилди. Қувасой шаҳар ҳокимлиги ва "Ostım" санаот зонаси масъуллари ўртасида тадбиркорлик, таълим, тиббиёт ва маданият соҳаларида ўзаро ҳамкорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича икки томонлама меморандум ҳам имзоланди.

# "Ворух-Дашт" ликларга туҳфа

Бешарикнинг 4,5 мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган "Ворух-Дашт" маҳалла фуқаролар йиғини тумандаги энг чекка ҳудуд ҳисобланади.

Шунга қарамай, бу ерда сўнгги йилларда аҳоли эҳтиёжини қондириш мақсадида янги типдаги, барча қўлайликларга эга 7 та 180 та хонадондан иборат кўп қаватли турар жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилгани қишлоқ аҳолисини хурсанд қилди. Шу билан бирга, 3 километр олисдаги мослаштирилган бинода фаолият юритиб

келаётган фуқаролар йиғини ходимлари учун ҳам қўлайликлар яратилди. Гап шундаки, ташаббускор тадбиркорнинг бевосита ҳомилигида МФЙ учун янги бино қуриб берилди. Бинода раис, ҳоким ва ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоли ҳамда меҳнат инспектори учун алоҳида хоналар мавжуд бўлиб, компьютер жаиланмалари ва мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Қашқадарё вилояти

# Қарши туманида янги лойиҳа

Шухрат НОРМУРОДОВ,  
"O'zbekiston bunyodkori"  
мухбири.

Қарши туманида лойиҳа қиймати 3 млн доллар бўлган, 100-120 тонна пахта хом ашёсини қайта ишлаб, пахта толаси ишлаб чиқарувчи "Қилов" кластерининг иккинчи босқич лойиҳаси ишга тушди.

Туркия технологияси асосида жиҳозланган ушбу лойиҳа орқали 100 та янги иш ўрни яратилди. Маълумот учун, "Қилов" кластери ўтган 2021 йилда Қарши тумани "Қат" МФЙ Янгибоғ қишлоғида умумий лойиҳа қиймати 172,8 млрд сўм бўлган "KHALIL TEX" МЧЖ ип калава ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этганди. Бу орқали эса 280 та иш ўрни яратилган эди.



# Давлат кадастрлари палатаси

## кўркем бинода

Давлат кадастрлари палатаси Яккабоғ филиали янги биноси фойдаланишга топширилди. Тантанали очилиш маросимида Давлат кадастрлари палатаси раиси Моҳир Валиев бошчилигидаги соҳа мутасаддилари иштирок этиб, бинода яратилган шарт-шароитлар билан танишишди.

Тадбирда сўз олган туман ҳокими Лутфиддин Абдуллаев мазкур бино аҳолига тез ва сифатли хизмат қўрсатишини таъминлашда, одамларнинг мушкулларини осон қилишда муҳим восита бўлишини таъкидлади.

Қарийб 1 млрд сўмдан ортиқ маблағ эвазига бунёд этилган ушбу филиал биноси икки қаватдан иборат бўлиб, энг сўнгги русумдаги компьютер ва жиҳозлар билан таъминланган.

# Тикувчилик фабрикаси қурилиши старт олди

Дехқонобод туманида маҳаллий тадбиркор Шавкат Шарипов ташаббуси ва ҳомилигида 500 та янги иш ўрни яратадиган тикувчилик фабрикаси барпо этилмоқда.

Маълумотларга кўра, 500 иш ўринли корхона ишга тушгач, ишчилар учун махсус транспорт ажратилади ва бепул овқат берилади. Қурилиш бошланishi аввалида удумга кўра эҳсон ташкил этилиб, Куръон тиловат қилинди.

50 млрд сўм эвазига бунёд этиладиган корхона қурилишига расман "старт берилган" бўлиб, у 1 гектар майдонда барпо этилмоқда.

Фабрика қурилиши уч ой давом этиб, Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

**Баҳридин ҒИЁСОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги  
университети катта ўқитувчиси.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, мамлакатимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар амалга оширилди. Зеро, буларнинг барчаси инсон манфаатлари ва тинчлиги учундир. Қайси бир соҳани қараманг, албатта, амалга оширилган ислохотларнинг замирида инсон манфаатлари ётади. Давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қонун, қарор, фармон ва дастурлар инсон манфаатлари ва тинчлиги учун хизмат қилишга қаратилган.

Инсон тақдири, халқ манфаатлари, мамлакат кишилари ҳақида ғамхўрлик инсонпарварликнинг асосий масаласидир. Инсонийлик ахлоқнинг муҳим умуминсоний меъёрларидан бири бўлиб, уни шакллантирмасдан туриб мураккаб ахлоқий, фуқаролик сифатларини такомиллаштириш мумкин эмас. Бошқа тирик мавжудотлардан инсоннинг туб фарқини кўрсатадиган хусусиятлардан яна бири, унинг ўз амалий фаолиятини тартибга сола билишидир. Инсоннинг ўзига хос маънавий олами, камолоти ва ижодий имкониятлари чексиз экани билан ҳам аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, инсон манфаатларини таъминлаш учун маҳаллий раҳбарлар, аввало, меҳнат аҳли ила тез-тез мулоқотда бўлиб туриши, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яқши билиши ўта муҳимдир. Кишиларнинг ҳаётдан янада рози бўлиб яшашлари учун уларнинг кўнглига илоҳи борича яқин бўлиш талаб этилади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда инсонга энг олий қадрият сифатида қаралади. Буни давлатимиз қонунарида ҳам инсон манфаатлари устун қўйилганиги мисолида кўриш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасидан 52-моддасигача инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлари, иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқлари, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари белгилаб берилган. Масалан, 18-моддада



барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги кўрсатилган. 24-моддада эса яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг азим ва ажралмас ҳуқуқи. Инсон ҳаётига суяқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланиши зикр этилган. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Маълумки, инсоннинг қадр-қимматини ерга уриш, шаънини топташ жиноятдир. Чунки, инсон шаънини сақлаш, яъни ҳақиқий инсон бўлиб қолишга интилиш – бу бутун инсоният улуғлайдиган фазилатдир. Шундай фазилат эгасини камситиш, ҳақорат қилиш – бутун инсониятга қарши жиноят содир этиш билан баробар ҳисобланади.

Шу ўринда, 2020 йил 11 ноябрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонунда ҳам инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат ва ҳимоя қилишни таъминлаш, жисмоний ва юридик шахслар-

нинг мулклари, конституциявий тузумни ҳимоялаш, жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш каби моддалар белгилаб қўйилган. Жумладан, Қонуннинг 3-моддасида Миллий гвардиянинг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкени, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг ҳавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборат, деб қўйилган. 6-моддаси эса фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш принципи асосида амалга оширилишига қаратилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилган юксак даражадаги ислохотларнинг ҳамда қабул қилинган қонун, қарор ва фармонларнинг олий мақсади халқимизга муносиб турмуш шароитини яраттидан иборатдир.

## Аҳоли талаби асосида

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**  
“Ozbekiston bunyodkori” муҳбири.

**Тўрақўрғон – Наманган** вилоятининг кўп соҳаларда ибратли туманларидан бири. Бу ерда иқтисодиётнинг барча тармоқларини комплекс ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Айниқса, саноат ишлаб чиқариши жадал суръатларда бормоқда.

Айни пайтда қатор ижтимоий лойиҳалар ҳам амалга ошириляпти. Хусусан, қишлоқларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган объектларни бунёд этиш диққат марказда турибди.

Яқинда Хўжанд қишлоғидаги мукамал таъмирдан чиқарилган оилавий шифокорлик пункти ўз фаолиятини бошлайди. Мазкур объектда ҳозир сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу борада “Олмос-Уйчи” МЧЖ қурувчилари жонбозлик кўрсатишапти.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини ҳам яқинда бошлаган эдик, – деди жамият иш юртувчиси Ш. Бозоров. – Жамоамиз пунктни муддатда топшириш учун куч ва имкониятларни шу мақсад йўлида сафарбар этган.

Оилавий шифокорлик пунктини таъмирлаш учун давлат бюджетидан 1,1 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган.

# Янги лойиҳа йилига 320 млрд сўмни тежайди

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**  
“Ozbekiston bunyodkori” муҳбири.

**Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикасидаги корхоналарда янги ускуналар қувватидан самарали фойдаланилаётгани ҳисобига фуқароларнинг турмуш тарзида учраётган муаммолар ечим топмоқда.**

Масалан, “Тахياتош ИЭС” АЖда ҳам технологияларнинг бироз эскиргани учун маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида айрим камчиликлар юзага келганди. Ҳукуматимизнинг эътибори туфайли мазкур иссиқлик электр станциясида иккита, ҳар бирининг қуввати 280 МВт бўлган буғ-газ қурилмаси тула қувват билан ишга туширилди.

Ушбу лойиҳадан кўзланган асосий мақсад, Қорақалпоғистон Республикаси хамда Хоразм вилоятидаги истеъмолчиларни ўз вақтида узлуксиз ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш, шунингдек, электр иссиқлик энергия ишлаб чиқариш ҳажми бир неча ҳиссага ошириш, ёқилғи ресурсларини тежаш ва улардан самарали фойдаланишдан иборат. Иссиқлик электр станцияси корхонасида бунёдкорлик ишлари замонавий илғор технологиялар бўйича Жанубий Кореянинг “Hyundai Engineering” ҳамда “Hyundai Engineering & Construction” компаниялари мутахассислари томонидан амалга оширилди. Айни пайтда бош пудратчи томонидан қуриш-монтаж ишлари 100 фоизга уддаланган бўлиб, ўрнатилган газ ва буғ турбиналари, асосий ускуналар Американинг GE компанияси томонидан ишлаб чиқарилган.

Таъкидлаш керакки, мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 678,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан 300 миллион АҚШ доллари Осиё

тараққиёт банкининг инвестиция маблағлари, 230,7 миллион АҚШ доллари эса Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит маблағлари, 27,3 миллион АҚШ доллари “Ўзбекэнерго” маблағлари ҳамда 120,2 миллион АҚШ доллари Ўзбекистон Республикасининг лойиҳани қўллаб-қувватлашдаги улуши ҳисобланади.

“Тахياتош ИЭС” АЖ бош директори Фахриддин Халилаевнинг эътирофи билан, ана шу замонавий ускуналар жорий этилган иккита буғ-газ қурилмасининг ишга тушиши натижасида станциянинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ошди, жумладан, станциянинг ўрнатилган қуввати 630 МВт дан 980 МВт гача, йиллик ишлаб чиқариладиган электр энергия миқдори эса 3 млрд кВт соатдан 4,6 млрд кВт соатгача ўсди. Шунингдек, 1 кВт соат электр энергиясини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган шартли ёқилғи миқдори 430 гр/кВт соатдан 258 гр/кВт соатга камайди, шу билан бир йилда 488,6 млн куб метр табиий газ тежалишига эришилди, яъни бу – ҳар йил 322,5 млрд сўм маблағ тежаллади, дегани.

Яна бир гап, замонавий лойиҳа ишга тушиши билан йиллик сув сарфи ҳам деярли уч баробарга камайди, аниқ рақамларга эътибор қаратилса, таъмирдан олдин йилига 452 млн куб метр сув сарф қилинган, ҳозир эса бу кўрсаткич 293 млн метр кубга камайган ва йилига 159 млн куб метрдан иборат бўлмоқда.

Эндиликда станция экологик жиҳатдан ҳам ижобий кўрсаткичларга эришди. Масалан, азот оксиди чиқиндиси 3,5 баробар камайди. Муҳими, ускуналардан самарали фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш барқарорлигини мунтазам таъминлаш учун ёш мутахассис ходимлар буғ-газ қурилмаларни эксплуатация қилиш бўйича қайта ихтисослаштирилди.

## Амударёда турар жойлар фойдаланишга топширилди

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,**  
журналист.

Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё тумани маркази, овул ва маҳаллаларида ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, маҳаллалар кўркам қўёфа касб этмоқда. Қувонарлиси, кўллаб қуриб битказилган қурилиш объектлари қаторида Гулзор маҳалласи ҳудудидан ҳам барпо этилган кўп қаватли арзонлаштирилган уй-жойлар ўз эгаларига топширилди. Албатта, ўз уй-жойига эга бўлиш ҳар бир инсоннинг орзуси ҳисобланади.

– 3 хонали уйнинг қалитини олганимдан қувончим чексиз, – деди “Фаровон” МФИда яшовчи Акрам Яумитбаев. – Шу пайтгача бир хонадонда уч оила яшардик. Икки нафар фарзандимиз бор. Кам таъминланган оилалар рўйхатида турамиз. Мурожаатимиз ижобий ечилиб, имтиёзли кредит эвазига уч хонали уй беришди. Янги кўшнилариимизнинг барчаси

ёш оилалар, улар билан аллақачон танишиб, иноқ бўлиб кетдик.

– Буюртмачи “Қишлоқ қурилиш инвест ИК КР филиали” МЧЖ ва учта пудратчи ташкилотлар томонидан 15,6 млрд сўм маблағ эвазига 3 та 5 қаватли уй-жойлар қурилди, – деди Амударё тумани ҳокимлиги бош мутахассиси Рашид Абдуллаев. – Кейинги йилларда қурилаётган арзонлаштирилган уй-жойларнинг асосий қисми ижтимоий ҳимоя ва уй-жойга муҳтож, кўп болали оилалар учун ажратилаётгани мамлакатимизда юриштирилаётган халқчил сисбатнинг ёрқин намунасидир.

Янги қурилган уй-жойларнинг афзал томони – биноларнинг муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашиб, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларига яқин ҳудудда жойлашганидир. Янги массивларда қурилган ва қурилаётган автомобиль йўллари, сув, газ ва электр тармоқлари, болалар богча-лари, савдо шоҳобчалари, спорт майдончалари аҳолининг қулай шароитларда яшаш учун комплекс тизимни ҳосил қилмоқда.

## Қурилаётган уй-жойлар фуқаролар фаровонлигига хизмат қилади

**Ҳамза ШУКУРОВ,**  
“Ozbekiston bunyodkori” муҳбири.

**Бутун юртимизнинг ҳар бир гўшасида қурилиш ва бунёдкорлик ишлари авжидда. Қад ростилаётган замонавий иншоотлар фаровонлигини таъминламоқда.** Аҳолини уй-жой, кўп хонадонли квартиралар билан таъминлаш борасида Самарқанд шahрида ҳам қатор инвестиция дастурлари, йирик лойиҳалар амалга ошириляпти.

Кейинги беш йилда минглаб уй-жойлар қалити хонадон эгаларига топширилди. Яқинда шаҳарни қайта қуриш концепцияси бўйича Қорадарё усти-

да шаҳар ва Янгибод маҳалласини боғловчи кўприк ишга туширилиб, 210 гектарлик ҳудудда 9, 16, 25 қаватли уйлардан иборат 90 минг аҳолига мўлжалланган Ширин шаҳарчаси қад ростлайди.

Темирйўл вокализининг орқа томонида ҳам 100 минг киши яшайдиган янги уй-жойлар тикланади. Бунинг учун 15 минг оила истиқомат қиладиган 6 та маҳалланинг 270 гектар майдондаги ҳовиллар, бошқа иншоотларни бузиш кўзда тутилган. Муҳими, “снос”лар амалга ошириляётганида бирорта уй эгаси норози бўлмаслигига эришиш зарур. Масалан, “Тинчлик” МФИ ҳудудининг Навоий кўчасидаги 43, 45, 47, 49 – эскирган, икки қаватли кўрimsиз уйлар ўрнида тўрт блок-

ли ертўла, пентхаузли етти қаватли кўркам турар жойлар қурилиши бошланган. Пудратчи “Silk voyage” МЧЖ раҳбарлари қарийб икки йил давомида шу ерда яшайдиган аҳоли, вилоят, шаҳар ташкилотлари розилиги ва рухсатини олиш учун елиб-юғурди. Ҳужжатлар ва одамлар билан келишилган шартномалар, компенсация пуллари, тўлови тайёр бўлиб, ишга киришгандан кейин айримлар қурилишга қарши чиқишмоқда.

– Маҳалламизда истиқомат қиладиган 506 та хонадондагилар шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мос уй қурилишини ёқлаб чиқишган. Бунинг учун улар янги бино ишга тушгунча ижарада туриб, эски лойиҳадаги уйларни бузишга рози бўлишган эди, – деди

маҳалла фуқаролар йиғини раиси Насиб Давронова. – Бироқ бир-икки киши шундай хайрли ишга қарши чиқиб, “Тинчлик”нинг тинчини бузишга уринаётгани кўпчиликни ҳайратлантиряпти. Натияжада уй қурилиши чўзилиб, режалар тadbирлар вақтида бажарилмаяпти. Назорат қилувчи органлар, жумладан, шаҳар ҳокимлиги негадир жим тургани ажабланарлидир. Қурилиш раҳбарлари объектни тезроқ фойдаланишга топшириш ўрнига, идорама-идора югуриш билан овора.

Афсуски, Самарқандда “снос” туй-файли келиб чиқаётган муаммо фақат бугина эмас. Эски, умрини ўтиб бўлган уй-жойларни бузиб, ўрнига замонавий уйларни бунёд этишнинг нимаси ёмону, кимга зарар?

## “DUNYO-M” aksiyadorlik jamiyati

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

КУН ТАРТИБИГА КИРИТИЛГАН МАСАЛАЛАР:

**Жамият номи:** “DUNYO-M” aksiyadorlik jamiyati.  
**Манзил:** Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри, Шайхали кўрғони, Олтин бошоқ кўчаси, 1-уй.  
**Электрон почта манзили:** dunyo\_m@mail.ru  
“DUNYO-M” aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2022 йил 8 июнь куни соат 12.00 дан бошлаб жамият мажлислар зали (Олтин бошоқ кўчаси, 1-уй)да ўтказилади.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисида акциядорларга хабар бериш учун жамият акциядорлари реестри 2022 йил 14 июнь ҳолатига ҳамда навбатдан ташқари умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2022 йил 4 июль ҳолатига шакллантирилади.

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.  
2. Жамиятнинг устав капиталдаги “Ўздонмаҳсулот” АҚнинг акциялар пакетини оммавий савдо-ларга чиқарилишини ташкил этиш бўйича “Лойиҳа офиси”ни жорий этиш ва унинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи жамият бошқарув раиси ўринбосари лавозимини ташкил этиш бўйича жамиятнинг ташкилий тузилмасига тегишли ўзгариш чиқариш ҳамда тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, корхона ички норматив ҳужжатларига ва штатлар жадалига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳамда тасдиқлашни қузатув кенгаши ваколатига бериш.  
4. “Лойиҳа офиси” низомини тасдиқлаш.  
Акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш учун маълумот (материал)лар билан жамият ҳисобчилар бўлими орқали танишиш мумкин.  
**Тел.:** 75-221-24-76.

**ЭСЛАТМА:**

1. Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишга киришда шахсини тасдиқловчи ҳужжат, яъни паспорт кўрсатишлари шарт.  
2. Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг ишончли вакиллари навбатдан ташқари умумий йиғилишга фақат нотариял идоралари томонидан тасдиқланган ишончнома орқали киритилади.

**ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ.**

## Правительство Республики Узбекистан

получило финансирование от Всемирного банка на реализацию  
проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту  
для подрядных работ по следующим объектам:

Номер контракта	Наименование объекта	Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы
MOEI-RIDP-DJI-W-46	Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Санзор" Бахмального района Джизакской области	1 513 267 551 сум без НДС.
MOEI-RIDP-DJI-W-11	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Молгузар" Бахмального района Джизакской области	4 913 812 339 сум без НДС.
MOEI-RIDP-DJI-W-41	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Куштол" Зааминского района Джизакской области	2 791 488 681 сум без НДС.
MOEI-RIDP-DJI-W-28	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Юсалиш" Зааминского района Джизакской области	1 392 135 791 сум без НДС.
MOEI-RIDP-DJI-W-27	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Турттом" Зааминского района Джизакской области	2 557 160 963 сум без НДС.
MOEI-RIDP-DJI-W-21	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Пшагар" Зааминского района Джизакской области	4 187 118 855 сум без НДС.
MOEI-RIDP-DJI-W-14	Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Бешкуби" Зааминского района Джизакской области	2 556 946 168 сум без НДС.
MOEI-RIDP-DJI-W-26	Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Чорвадор" Зааминского района Джизакской области	1 352 532 068 сум без НДС.
MOEI-RIDP-DJI-W-18	Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Дуоба" Зааминского района Джизакской области	2 404 520 862 сум без НДС.
MOEI-RIDP-DJI-W-16	Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Галлакор" Зааминского района Джизакской области	9 736 549 254 сум без НДС.
MOEI-RIDP-DJI-W-29	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Яссикечув" Фаришского района Джизакской области	2 854 702 225 сум без НДС.
MOEI-RIDP-DJI-W-42	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Кораобдол" Фаришского района Джизакской области	5 401 601 541 сум без НДС.
MOEI-RIDP-DJI-W-44	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Мустакиллик" Фаришского района Джизакской области	3 049 668 911 сум без НДС.
MOEI-RIDP-DJI-W-48	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Учма" Фаришского района Джизакской области	2 654 923 556 сум без НДС.
MOEI-RIDP-DJI-W-13	Текущий ремонт внутренних дорог СГМ "Темиркадам" Бахмального района Джизакской области	3 779 950 559 сум без НДС.
MOEI-RIDP-DJI-W-43	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Илонли" Фаришского района Джизакской области	3 908 253 407 сум без НДС.

### Инжиниринговая компания "Служба единого заказчика" при Джизакском областном хокимияте

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка", и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах. По объектам электроснабжения участники тендера должны иметь лицензию на строительство и эксплуатацию объектов повышенного риска и потенциально опасных производств для проведения высоковольтных работ.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Джизакской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 1 МЗП.

<p><b>Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Джизакской области</b> Адрес: г. Джизак, ул. Ш. Рашидова, дом 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж). Факс: (72) 771-64-31. Тел.: (72) 771-64-32. E-mail: jiztender@mail.ru</p>	<p><b>Получатель:</b> Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Джизакской области <b>Банковские реквизиты:</b> р/с: 2021 0000 0037 5718 9001 Джизакский филиал АКИБ "Ипотека-банк" ИНН: 202 411 803 МФО: 00122</p>
---	---

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме:

Номер контракта	Наименование объекта	Банковская гарантия на сумму
MOEI-RIDP-DJI-W-46	Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Санзор" Бахмального района Джизакской области	30 265 351 сум
MOEI-RIDP-DJI-W-11	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Молгузар" Бахмального района Джизакской области	98 276 247 сум
MOEI-RIDP-DJI-W-41	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Куштол" Зааминского района Джизакской области	55 829 774 сум
MOEI-RIDP-DJI-W-28	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Юсалиш" Зааминского района Джизакской области	27 842 716 сум
MOEI-RIDP-DJI-W-27	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Турттом" Зааминского района Джизакской области	51 143 219 сум
MOEI-RIDP-DJI-W-21	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Пшагар" Зааминского района Джизакской области	83 742 377 сум
MOEI-RIDP-DJI-W-14	Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Бешкуби" Зааминского района Джизакской области	50 454 933 сум
MOEI-RIDP-DJI-W-26	Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Чорвадор" Зааминского района Джизакской области	27 050 641 сум
MOEI-RIDP-DJI-W-18	Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Дуоба" Зааминского района Джизакской области	48 090 417 сум
MOEI-RIDP-DJI-W-16	Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Галлакор" Зааминского района Джизакской области	194 730 985 сум
MOEI-RIDP-DJI-W-29	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Яссикечув" Фаришского района Джизакской области	57 094 045 сум
MOEI-RIDP-DJI-W-42	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Кораобдол" Фаришского района Джизакской области	108 032 031 сум
MOEI-RIDP-DJI-W-44	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Мустакиллик" Фаришского района Джизакской области	60 993 378 сум
MOEI-RIDP-DJI-W-48	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Учма" Фаришского района Джизакской области	53 098 471 сум
MOEI-RIDP-DJI-W-13	Текущий ремонт внутренних дорог СГМ "Темиркадам" Бахмального района Джизакской области	75 599011 сум
MOEI-RIDP-DJI-W-43	Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Илонли" Фаришского района Джизакской области	78 165 068 сум

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 5 июля 2022 г. до 16.00 (по ташкентскому времени). Предложения будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в данном процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.

Адрес для подачи предложений:

Консалтинговый центр по организации тендерных торгов в строительстве.

Адрес: г. Джизак, ул. Ш. Рашидова, дом 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж).

Факс: (72) 771-64-31.

Тел.: (72) 771-64-32.

E-mail: jiztender@mail.ru

Ответственный представитель Консалтингового центра: Т. Мирзакобилов.

## "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога "TASHKREDIT" МЧЖнинг 2022 йил 13 июндаги 67-сонли арза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2021 йил 19 ноябрь, 2022 йил 31 март ва 30 майдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 1-уй, 115-хонадон манзилида сақланаётган қўйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	15865	Кольца 5 шт. с дефектом о.в. 22,59 гр., ч.в. 19,11 гр. 500 пр., кольца 6 шт., серъги 1 пара о.в. 29,01 гр., ч.в. 26,00 гр. 585 пр.	14 416 672,00
2.	7008	Серъги 1 пара о.в. 2,16 гр., ч.в. 2,16 гр. 750 пр.	972 966,00
3.	7033	Серъги и кольцо 1 комплект о.в. 6,59 гр., ч.в. 5,09 гр. 500 пр., браслет 1 шт. с дефектом о.в. 5,01 гр., ч.в. 5,01 585 пр.	3 315 964,00
4.	7698	Серъги с дефектом 1 пара о.в. 2,72 гр., ч.в. 2,50 гр. 585 пр.	865 607,04
5.	7931	Кольцо 1 шт. о.в. 2,72 гр., ч.в. 2,42 гр. 500 пр., браслет 1 шт., кольцо 1 шт. о.в. 9,17 гр., ч.в. 8,87 гр. 585 пр.	4 622 358,60
6.	7936	Кулон 1 шт., серъги 1 пара о.в. 2,51 гр., ч.в. 2,1 гр. 500 пр., кольцо 1 шт., кулон 1 шт. о.в. 3,09 гр., ч.в. 3,0 гр. 585 пр.	1 855 431,28
7.	7998	Кольцо 1 шт., кольцо и серъги 1 комп о.в. 8,78 гр., ч.в. 8,00 гр. 500 пр.	2 875 200,00
8.	8562	Кольца 2 шт. с дефектом, серъги 1 пара с дефектом о.в. 12,06 гр., ч.в. 10,4 гр. 500 пр., кольцо 1 шт. о.в. 5,89 гр., ч.в. 5,89 гр. 585 пр.	8 662 500,00
9.	8682	Серъги 1 пара о.в. 7,20 гр., ч.в. 4,00 гр. 500 пр.	1 735 920,00
10.	8910	Кольцо 1 шт. о.в. 2,30 гр., ч.в. 2,30 гр. 500 пр.	838 737,00
11.	8921	Кольцо 1 шт. о.в. 1,55 гр., ч.в. 1,55 гр. 500 пр.	596 506,68
12.	8959	Серъги 2 пары о.в. 9,68 гр., ч.в. 8,88 гр. 500 пр.	3 186 684,00
13.	9039	Серъги 1 пара, цепь 1 шт. о.в. 15,07 гр., ч.в. 14,07 гр. 500 пр.	6 008 220,00
14.	9270	Цепь с дефектом 1 шт. о.в. 10,02 гр., ч.в. 10,02 гр. 500 пр.	4 220 035,20
15.	9337	Серъги с дефектом 1 пара, цепь 1 шт. о.в. 14,18 гр., ч.в. 14,18 гр. 583 пр., кулон 1 шт. о.в. 3,00 гр., ч.в. 3,00 гр. 500 пр.	5 178 000,00
16.	9361	Серъги 1 пара о.в. 1,64 гр., ч.в. 1,44 гр. 585 пр.	633 000,00
17.	9389	Цепь 1 шт. о.в. 20,00 гр., ч.в. 20,00 гр. 500 пр.	7 602 000,00
18.	9395	Браслет 1 шт. с дефектом, кольцо 1 шт. о.в. 6,91 гр., ч.в. 6,61 гр. 500 пр.	2 451 000,00
19.	9438	Серъги 1 пара о.в. 5,61 гр., ч.в. 5,30 гр. 500 пр.	2 299 500,00
20.	9439	Кольцо 1 шт. о.в. 7,18 гр., ч.в. 7,18 гр. 500 пр.	2 602 500,00
21.	9446	Цепь 1 шт. о.в. 2,68 гр., ч.в. 2,68 гр. 583 пр.	1 095 822,40
22.	9536	Кольцо с дефектом 1 шт. о.в. 3,56 гр., ч.в. 3,40 гр. 583 пр.	1 542 000,00
23.	9569	Кольцо 1 шт. о.в. 2,18 гр., ч.в. 1,70 гр. 500 пр.	784 500,00
24.	9585	Серъги с дефектом 1 пара о.в. 5,21 гр., ч.в. 3,60 гр. 500 пр.	1 693 500,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
25.	9592	Кольцо 1 шт. о.в. 2,41 гр., ч.в. 2,20 гр. 500 пр.	936 000,00
26.	9616	Браслет 1 шт. с дефектом о.в. 5,80 гр., ч.в. 5,80 гр. 500 пр.	2 451 000,00
27.	9646	Кольца 2 шт. о.в. 11,24 гр., ч.в. 10,44 гр. 500 пр.	4 156 890,00
28.	9765	Браслет с дефектом 1 шт. о.в. 5,38 гр., ч.в. 5,38 гр. 500 пр.	1 845 000,00
29.	9775	Цепь 1 шт. с дефектом о.в. 8,9 гр. ч.в. 8,88 гр. 500 пр., кольцо 1 шт. о.в. 2,91 гр., ч.в. 2,72 гр. 585 пр.	4 875 000,00
30.	9798	Цепь 1 шт., кулон 1 шт. о.в. 3,12 гр., ч.в. 2,50 гр. 585 пр.	1 163 250,00
31.	9823	Кольцо с дефектом 1 шт., браслет 1 шт. о.в. 6,14 гр., ч.в. 5,64 гр. 500 пр., кольцо 1 шт. о.в. 1,16 ч.в. 1,16 585 пр.	2 875 200,00
32.	9832	Кольца 2 шт. о.в. 10,42 гр., ч.в. 7,42 гр. 500 пр., цепь с дефектом 1 шт. о.в. 8,91 гр., ч.в. 8,91 гр. 585 пр.	7 450 500,00
33.	9887	Кольцо 1 шт. с дефектом, серъги 1 пара о.в. 4,31 гр., ч.в. 4,21 гр. 583 пр.	1 785 107,00
34.	9892	Цепь 1 шт. с дефектом о.в. 12,76 гр., ч.в. 12,76 гр. 500 пр.	5 329 500,00
35.	10191	Цепь 1 шт. о.в. 4,39 гр., ч.в. 4,39 гр. 500 пр.	1 996 500,00
36.	10273	Кольцо 1 шт. о.в. 1,49 гр., ч.в. 1,49 гр. 500 пр.	633 000,00
37.	10279	Серъги с дефектом 3 пары, кольцо с дефектом 1 шт. о.в. 10,79 гр., ч.в. 7,88 гр. 500 пр., кольцо 1 шт. о.в. 4,12 гр., ч.в. 3,52 гр. 585 пр.	4 137 498,00
38.	10302	Кольца 2 шт. с дефектом, серъги 1 пара о.в. 9,58 гр., ч.в. 8,90 гр. 585 пр.	4 041 750,00
39.	10329	Браслеты 2 шт. о.в. 42,51 гр., ч.в. 41,40 гр. 500 пр.	18 585 750,00
40.	10338	Браслет 1 шт., серъги 1 пара с дефектом о.в. 31,97 гр., ч.в. 31,27 гр. 500 пр., цепь 1 шт. о.в. 9,26 гр., ч.в. 9,26 гр. 585 пр., серъги 1 пара о.в. 2,71 гр., ч.в. 2,71 гр. 750 пр.	18 585 750,00
41.	10344	Браслет 1 шт., серъги 1 пара с дефектом, кольцо 1 шт. о.в. 39,66 гр., ч.в. 32,59 гр. 500 пр., кольцо 1 шт., серъги 1 пара о.в. 8,06 гр., ч.в. 8,06 гр. 585 пр.	18 510 000,00
42.	10385	Серъги 1 пара о.в. 2,37 гр., ч.в. 1,76 гр. 500 пр., кольцо 1 шт. о.в. 1,55 гр., ч.в. 1,24 гр. 585 пр.	1 390 500,00
43.	10462	Кольцо с дефектом 1 шт. о.в. 7,13 гр., ч.в. 4,80 гр. 500 пр.	2 148 000,00
44.	10468	Серъги 1 пара о.в. 1,42 гр., ч.в. 1,20 гр. 585 пр.	557 250,00
45.	10492	Серъги 1 пара о.в. 2,29 гр., ч.в. 2,29 гр. 585 пр.	784 500,00
46.	10575	Колье 1 шт. о.в. 12,16 гр., ч.в. 12,16 гр. 750 пр.	6 390 000,00
47.	10590	Кольцо 1 шт. о.в. 2,61 гр., ч.в. 2,00 гр. 500 пр.	936 000,00
48.	10669	Кольцо 1 шт. о.в. 1,27 гр., ч.в. 1,27 гр. 583 пр.	557 250,00
49.	10682	Браслет 1 шт. о.в. 3,87 гр., ч.в. 3,87 гр. 585 пр.	1 769 250,00
50.	10686	Цепь 1 шт. с дефектом о.в. 2,83 гр., ч.в. 2,83 гр. 585 пр.	1 239 000,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
51.	10777	Браслет 1 шт. о.в. 6,93 гр., ч.в. 6,93 гр. 500 пр.	3 208 500,00
52.	10834	Кольцо с дефектом 1 шт. о.в. 2,05 гр., ч.в. 2,00 гр. 500 пр.	936 000,00
53.	10919	Серъга без пары 1 шт. о.в. 2,38 гр., ч.в. 1,88 гр. 583 пр.	860 250,00
54.	10947	Кольца 2 шт. о.в. 3,04 гр., ч.в. 2,83 гр. 500 пр., кольцо 1 шт. о.в. 1,27 гр., ч.в. 1,27 гр. 585 пр.	1 845 000,00
55.	11073	Кольцо и серъги 1 комп., кольца 2 шт. с дефектом о.в. 11,77 гр., ч.в. 9,59 гр. 500 пр., кольцо 1 шт. о.в. 1,46 гр., ч.в. 1,41 гр. 585 пр.	5 026 500,00
56.	11195	Серъги с дефектом 1 пара, кольцо 1 шт. о.в. 5,22 гр., ч.в. 5,10 гр. 585 пр.	2 299 500,00
57.	11223	Серъги 1 пара о.в. 5,61 гр., ч.в. 4,61 гр. 500 пр.	1 996 500,00
58.	11229	Цепь с дефектом 1 шт., браслеты с дефектом 2 шт. о.в. 16,47 гр., ч.в. 16,47 гр. 585 пр.	7 450 500,00
59.	11235	Серъги с дефектом 1 пара о.в. 6,16 гр., ч.в. 3,80 гр. 500 пр.	1 693 500,00
60.	11248	Кольцо 1 шт., кольцо и серъги 1 комп. о.в. 7,05 гр., ч.в. 6,85 гр. 500 пр.	2 602 500,00
61.	11471	Кольца 2 шт. о.в. 6,35 гр., ч.в. 5,15 гр. 500 пр.	2 299 500,00
62.	11479	Кольцо 1 шт., серъги 1 пара о.в. 9,80 гр., ч.в. 8,30 гр. 500 пр.	3 208 500,00
63.	11515	Кольцо с дефектом 1 шт. о.в. 3,02 гр., ч.в. 2,80 гр. 500 пр.	784 500,00
64.	11612	Кольцо 1 шт. о.в. 3,02 гр., ч.в. 3,02 гр. 500 пр., серъги 1 пара, кольцо 1 шт. о.в. 8,59 гр., ч.в. 8,59 гр. 585 пр.	4 572 000,00
65.	11642	Цепь 1 шт. о.в. 8,57 гр., ч.в. 8,57 гр. 500 пр., кольца 2 шт. о.в. 11,42 гр., ч.в. 11,12 гр. 583 пр.	8 965 500,00
66.	11726	Кольца 2 шт. о.в. 8,35 гр., ч.в. 8,35 гр. 500 пр.	3 814 500,00
<b>Жами бошланғич баҳоси</b>			<b>246 747 319,20</b>

Аукцион савдолар 2022 йил 19 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2022 йил 15 июль куни соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари 2022 йил 19 июль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2022 йил 2 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2022 йил 29 июль куни соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "Давр банк" ХАТБ Олмасор филилидаги қўйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-А уй.

Телефон: 71-237-23-96.

Расмий веб-сайт: www.rtm.uz

001805 рақамли гувоҳнома.

Kuni kecha Prezident Shavkat Mirziyoev raisligida aholini kasb-hunarga o'qitish va monomarkazlar faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari yuzasidan videoselektor yig'ilishi bo'lib o'tdi. Unda yurtboshimiz "O'quv yili deyarli yakunlandi. Oldimizda 404 ming nafar o'rta ta'lim, 151 ming nafar kasb-hunar ta'lim, 125 ming nafar oliygoh bitiruvchilari, jami 680 ming nafar yoshlarning bandligini ta'minlash bo'yicha muhim vazifa turibdi", deya ta'kidladi.

Ayni paytda "O'zbekiston bunyodkori" gazetasi tahririyatida ham bo'lajak jurnalistlar - O'zDJTU 1-bosqich talabalari yozgi amaliyotni o'tashmoqda. Ushbu sahifada ularning amaliyot davrida yozgan ijod namunalari bilan tanishishingiz mumkin.



## Qishloqdagi bolalar uchun ajoyib sovg'a



Anora ABDUSHUKUROVA,  
O'zDJTU talabasi.

Bugun nafaqat shahar, balki qishloqdagi bolajonlar ham barcha qulayliklarga ega maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ta'lim-tarbiya olishmoqda. Zero, kelajak avlod uchun yaratilayotgan bugungi imkoniyat ertaga, albatta o'z samarasini beradi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 28 dekabrda PQ-4936-sonli qaroriga asosan, Parkent tumanidagi "Nomdanak" MFYda ancha paytdan buyon faoliyat ko'rsatmayotgan boq'cha binosi qayta ta'mirlanmoqda. Bino qayta ta'mirlanish ishlari Toshkent viloyati Maktabgacha ta'lim bo'limi huzuridagi "Infratuzilmani rivojlantirish" DUK buyurtmachiligi asosida olib borilmoqda.

Ta'lim muassasasi o'rta 120 o'ringa mo'ljallangan bo'lib, uni rekonstruksiya qilish ishlari "Muhandis plyus loyiha" MChJ tomonidan olib borilyapti. Bino joriy yilning iyun oyida foydalanishga topshirilishi ko'zda tutilib, ta'mirlash ishlariga 4 992,0 mln so'm mablag' ajratilgan. Rekonstruksiya davri davomida maktab uchun barcha sharoitlar mavjud bo'ldi. Bo'sh yotgan binoning rekonstruksiya qilinishi, farzandlari uchun obod go'shaga aylanayotganidan aholi ham mamnun. O'ylaymizki, bino uzoq yillar bolajonlarga samarali xizmat ko'rsatadi.

## Endi rost gapiraman

Men yolg'onchiman. Ha, ha, ishonavering, gapim rost. Bolaligimda yolg'on hikoyalari to'qishga ustasi farang edim. Hikoyalarni boshqalarni kulgisiga sabab bo'lar, men esa ularni xursand qilayotganimdan zavqlanib, yolg'on to'qishda davom etardim.

Elas-elas eslayman, to'rt-besh yosh edim chamasi. Otam, onam, opam va akam bilan dalaga pichan yig'imiga borgan edik. O'yinab o'yinab qamishzorga kirib qolibman. Atrof suv. Qurbaqalar qurillab, chigirtkalar chirillab, qamishlar mayin esgan shamoldan shiritilab turibdi. Har qancha urinmay qaytib chiqishni ilojini topolmadim. Yordamga chaqirsam, hech kim kelmadi. Aksincha, "Kirgan yo'ling bilan qaytib chiq" deyishdi.

Shu payt "ilon bo'lsa-chi", degan fikr miyamga keldi-yu "ilon", "ilon" deb chiqirib yubordim. Buni eshitgan opam yugurib keldi-da, meni ko'tarib qamishzordan olib chiqdi.

Tushlikda onam meni erkalab: - Ha ona qizim, qamishzorda ilon bormikan? Qanaqa ilon ko'rding? - deb so'radi. - Sariq, - dedim shosha-pisha. - Yana bittasi qora edi. Sariq ilon chopib o'tdi. Menga qarab kulib qo'ydi. Qora ilon esa xo'mrayib qaradi. Qo'rqib ketdim.

Hammalari miriqib kulishdi. - Xo'mrayib qaradimi-a? O'sha ilonni ko'ray, o'zim gaplashib qo'yaman. Meni qizimni qo'rqitadigan qanaqa ilon ekan u, - dedi kula-kula. Bu voqeani ancha payt kulib eslashdi. Hozirgi aqlim bilan o'ylab qarasan, o'sha paytda ilon

voqesi yolg'on ekanini kattalar bilishgan. Lekin nega "Yolg'on gapirayotgan", deb meni ko'yishmagan, hayronman?

Boshqa safar yanada qiziqroq yolg'on o'ylab topganman. Bir kuni buvim kosada qatiq olib chiqib so'riga qo'ydida, o'zi qaytib oshxonaga kirib ketdi. Qatiqqa qarab yolg'on to'qiydigan odatim tutib qoldi. Onam kelganida hikoyam tayyor edi.

- Ona, boya buvim bir kosa qatini so'riga qo'yib ketgan edi. Qo'shimiz Ruqiya xola kelib qatini ichib, kosani bo'shatib chiqib ketdi. Buvim esa "Bir kosa qatini darrov ichib bo'ldingmi?" deb meni ko'yigan edi, "Ruqiya xolam ichdi" dedim. Buvim "Ha, hayron qogur, meni qatiq qilishimni kutib turgan ekanmi?" deb qarq'adi, - dedim yolg'onimga onamni ishonitirishga harakat qilib.

Buvim odatda "Hayron qogur" deb qarq'ardi. Qo'shimiz Ruqiya xola xayoli parishon bo'lib qolgan qari kampir edi. U mahalladagi odamlarni uyiga kirib goh oshkora, goh o'g'irlab qorin to'ydirib yurar edi. Onam gapimga chippa-chin ishonib, kuldi. Bu voqeani boshqalarga ham aytib berdi. Keyinchalik, yolg'on gapirishdan tavba qilganimda, onamga qatiq voqeanini o'ylab topganimni aytdim, ammo ishonmadim.

Shunda o'ylab qoldim. Qiziq, odamlarga rost gapirang ham ishonishmaydi. Ba'zida yolg'onlar rost, rost gaplar esa yolg'ondek tuyuladi. Yolg'on gapiri hech narsaga erisha olmasligimni bilsak-da, ko'pincha aldasheda davom etaveramiz. Menimcha, qachon tavba qilib, yolg'on so'zlashdan to'xtasak, shundagina hayotimiz mazmunli bo'ladi.

## Masofaviy ta'limni rivojlantirish davr talabi

Samarqand shahar yoshlar markazi binosida Mirzo Ulug'bek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti rektori Chidem Janbay Turkiylmaz hamda institut ma'muriyati ishtirokida "Ishlab chiqarishdan ajralmagan holda oliy ma'lumot olish imkoniyatini yanada kengaytirish, bunda bosqichma-bosqich masofaviy ta'lim shaklida kadrlar tayyorlashni yo'lga qo'yish" mavzusida matbuot anjumani bo'lib o'tdi.

Anjumanda OAV vakillari, jurnalist va blogerlar ham ishtirok etishdi. Anjuman oliy ta'lim muassasasida kelajakda amalga oshirilishi rejalashtirilayotgan ishlar, xususan, masofaviy ta'lim tizimi yuzasidan qizg'in savol-javoblarga boy bo'ldi.

Ushbu tizimni yo'lga qo'yish orqali nafaqat O'zbekistondagi, balki xorijlik talabalarni ham qamrab olishni rejalashtiryapmiz, - dedi Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti rektori Chidem Janbay Turkiylmaz. - Bu albatta, oson emas, yaqin kelajakda talabalar ishlab chiqarishdan ajralmagan holda masofadan o'qish imkoniga ega bo'lishadi. Uni yo'lga qo'yish va rivojlantirish borasida raqamli informatsiyani yaxshilashimiz lozim. Bu borada edu.uz subdomenidan foydalanish uchun Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi bilan kelishildi. O'tgan yildan institutimizda yangi www.samdaq.edu.uz subdomenidan foydalanish yo'lga qo'yildi. Bugungi kunda bosh maqsadimiz institutimizni arxitektura va qurilish sohalarida



bo'yicha ta'lim beruvchi yangi avlod universiteti darajasiga yetkazishdir. Yangi avlod universitetini tadbirkorlarni qo'llab-quvvatlaydigan, ishlab chiqarishga yo'naltirilgan, davlat-sanoat hamkorligiga ochiq, o'zgarishlarga imkon qadar tez moslashuvchi faol muassasaga aylantirishdir.

Masofaviy ta'lim tizimini yo'lga qo'yish va rivojlantirish borasidagi say-harakatlar raqamli transformatsiyani yaxshilashda katta ahamiyatga ega. Yangi www.samdaq.edu.uz subdomenidan 2021 yilning 7 oktabridan boshlab institutda amaliyotda foydalanib kelinmoqda.

Anjumanda Microsoft kompaniyasidan 400 nafar professor-o'qituvchi va 10000 nafargacha talaba uchun bepul ta'lim litsenziyalari olingani ma'lum qilindi. Natijada institutning barcha professor-o'qituvchilari, rahbar xodimlari va talabalari uchun www.samdaq.edu.uz subdomeni bilan

## Xotin-qizlar ish bilan ta'minlanmoqda

Dilso'z KENJAYEVA,  
O'zDJTU talabasi.

Bugun yurtimizdagi mahallalar "Obod qishloq" va "Obod mahalla" davlat dasturlari doirasida yanada obodlashmoqda. Shu jumladan, bizning mahallamiz ham ko'rkam qiyofaga kirmoqda deb ayta olaman.

Bo'lajak jurnalist va shu mahallaning fuqarosi sifatida bu yerda bo'layotgan o'zgarishlar haqida oz bo'lsa-da ma'lumot bermoqchiman. Buning uchun avvallo, mahalla raisiga uchradim. U kishi yo'lni ayni paytda qurilish ishlari olib borilayotgan obyektga boshladi. Bu yerda bir ob'ekt qurilib, ishga tushirilgan bo'lsa, ikkinchisida qurilish ishlari davom etayotgan ekan.

Yangiyol tumanidagi Tuyabog'iz mahallasida joylashgan korxonada qurilishi 2019-yilda boshlangan bo'lib, ayni paytda bu yerda bolalar o'yinchoqlari ishlab chiqarish yo'lga



qo'yilgan. Korxonada 1 gektar maydonni egallaydi. Hozircha uning bir qismi qurilib, ishga tushirilgan. Qolgan qismida esa qurilish ishlari hali davom etmoqda. Ob'ektning qolgan yarmida ham xuddi shunday korxonada qurilishi rejalashtirilgan bo'lib, ishlar Belarusiya va O'zbekiston hamkorligida amalga oshirilmoqda. Qurilish ishlarida o'zbekistonlik

quruvchilar bilan birga belarusiyalik ishchilar ham ishtirok etishmoqda. Korxonada ayni paytda 60 ga yaqin shu mahallaning xotin-qizlari faoliyat olib boshlamoqda. Korxonaning aynan mahallada joylashganligi ishsiz aholi bandligini ham ta'minlamoqda.

Korxonada ishchilar uchun hamma sharoitlar yaratilgan bo'lib, barcha kerakli uskunalar bilan jihozlangan. Eng muhimi, mahsulot nafaqat O'zbekiston, balki qo'shni - Tojikiston, Qo'zog'iston, Qirg'iziston kabi davlatlarga ham eksport qilinadi.

Bu kabi korxonalarining ko'payishi nafaqat mahallalar, balki yurtimiz iqtisodiyotining rivojiga ham katta hissa qo'shadi.

## Imkoniyatlari kengaygan o'quv maskani

Nihola ABDUVOHIDOVA,  
O'zDJTU talabasi.

"Obod qishloq" va "Obod mahalla" davlat dasturi asosida yakunlangan yilda respublikamiz hududlaridagi 79 ta maktab, 171 ta maktabgacha ta'lim tashkiloti, hamda 161 ta tibbiyot muassasalarida qurish-ta'mirlash ishlarini amalga oshirilishi rejalashtirilgan edi.

Mazkur dasturda Toshkent viloyatining Piskent tumanidagi G'ayrat mahallasida joylashgan 39-umumiy o'rta ta'lim maktabi ham kiritilgan edi.

Ma'lumot o'rnida aytish kerakki, tuman hokimining qarori bilan 2021 yil 15 iyunidan e'tiboran ushbu o'quv

dargohi alohida maktab sifatida yuridik maqomga ega bo'ldi. Unga qadar tumandagi 8-umumta'lim maktabi tarkibida filial sifatida faoliyat yuritgan. Ta'lim maskanini hozirgi ko'rinishga keltirish uchun qurilish ishlari barobarida Respublika byudjetidan 2,5 milliard so'm mablag' ajratilgan o'quvchilar uchun barcha qulayliklarni yaratdi.

Maktab direktori Rizqida Majidovaning aytishicha, endilikda muassasa zamonaviy ko'rinish va barcha zarur anjomlar bilan jihozlangan bo'lib, 2023 yilgacha yana 5 ta qo'shimcha sinfxona, sport zal qurilishi rejalashtirilgan. Hozirgi kunda "1 million dasturchi" loyihasi asosida 10 ta eng so'ngi ruzumdagi kompyuterlar taqdim etilgan bo'lib, ta'lim maskanida 22 nafar pedagog turli fanlar bo'yicha faoliyat olib bormoqda.

## Maktabda ta'mirlash ishlari boshlandi

Shohista ABDUSALOMOVA,  
O'zDJTU talabasi.

Hukumatimiz yosh avlodning barkamol o'sishi va ularga yetarli sharoitlar yaratishga yo'naltirilgan qaror hamda dasturlari doirasida poytaxtimizning Yunusobod tumanidagi 273-umumta'lim maktabini zamon talablariga mos ravishda qaytadan rekonstruksiya qilish va qo'shimcha sinfxonalarda qurish ishlari boshlab yuborildi.

Bunyodkorlik jarayonini amalga oshirayotgan korxonada mutaxassislarining aytishicha, ta'lim maskani yangi o'quv yiliga qadar har tomonlama talab darajasiga keltiriladi. Buning uchun barcha imkoniyatlar yetarli. Foydalanilayotgan qurilish materiallari ixcham va sifatli, barchasi o'zimizda ishlab chiqarilayotgan mahalliy mahsulotlardan iborat.

Qurilish ishlari bilan birga o'quvchilarga qulaylik yaratish maqsadida zamonaviy jihozlangan texnikalar, jumladan, interaktiv doskalar, planshet va kompyuterlar jamlanmasi hozirdanoq olib kelinayapti.

## TUGILGAN KUNINGIZ MUBORAK BULSIN!

Июнь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК бош бухгалтер ёрдамчиси **Бобур Ҳужақулов**,

Андижон вилояти, Избоскан тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектор **Жаҳонгир Ҳожиматов**,

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар қурилиш бўлими бош мутахассиси **Бехруз Бахшуллаев**,

Жиззах вилояти, Дўстлик тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Шоҳрух Олтинов**,

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Тошкент вилояти филиали етакчи мутахассиси **Адила Хазиева**,

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси АКТ бўйича мутахассис **Жамол Каримов**, Тупроққалъа тумани қурилиш бўлими бошлиғи - туман бош архитектори **Жамшидбек Аббазов**ларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!



ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

### ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магруппов, Жамшид Исмаилов, Фолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

### ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир уринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳих **Марҳамат Муслимонқулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Наشريёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

### «ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАСҲКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ, «ЎзгеоангметЛИТИ» ДУК.

### ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.  
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).  
E-mail: uzbunyodkori@mail.ru

### ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.  
Андижон вилояти: 93-410-15-18.  
Бухоро вилояти: 99-705-50-15.  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Навоий вилояти: 99-731-17-40.  
Наманган вилояти: 90-553-02-34.  
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.  
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.  
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.  
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.  
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси - 466. Буюртма - Г-643. 2210 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми - 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

### КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, «Буюқ Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир - А. Ҳақбердиев.

Навбатчи - Р. Ҳужаева.

Ўза яқуни - 22.55. Топширилди - 00.10.